

УЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

МАТН ТАРИХИ ВА УНИНГ ГЕНЕЗИСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР

*Нурбой ЖАББОРОВ,
ТошДУТАУ профессори,
филология фанлари доктори*

Мумтоз бадий асарлар матни тарихини чуқур урганмай туриб, матншунослик илмининг тараккий этиши хакида гап хам булиши мумкин эмас. Чунки *матн тарихи* тушунчаси матншуносликнинг таянч назарий асосларидандир. “Матн тарихи кулёзма манбалар генеалогиясини текширишдан муаллифнинг ва манбани кучирган котибнинг дунёкараши ва Ғоясини урганишгача, асарнинг юзага келишида муаллиф ижодий ниятининг руёбга чиқишидан унинг яратилишига у ёки бу даражада алоқадор булган бошқа адабий ёдгорликлар билан узаро боғлиқ жихатлари тадқиқигача булган барча жараёнларни уз ичига олиши” [6,9] назарда тутилса, ушбу илмий муаммони урганиш нечоғлиқ муҳим экани янада ойдинлашади. Матн тарихига бундай ёндашув рус матншуноси Д.С.Лихачевнинг: “*Матн тарихи* тушунчаси муайян асар матнининг барча масалаларини камраб олади. Асарга алоқадор ҳамма масалаларни фақат тулик (ёки имкон даражасида тулик) урганишгина бизга асар матни тарихини том маънода кашф этиш имконини беради”, [7,33] деган фикрига аниқлик киритади хамда уни тулдиради.

Бугунги кунда узбек мумтоз адабиётини урганишда булгани сингари матншунослик соҳасида хам илмий тадқиқот методологияси ишлаб чиқилган эмас. Мумтоз бадий асарлар матнини урганишнинг илмий асосланган, ушбу йуналишдаги тадқиқотларга куллаш мумкин булган мезонлари ва тамойиллари ханузгача тайин этилмаган. Бу эса, уз навбатида, матншуносликнинг ва адабий-илмий тахлилнинг хам асоси булган матн тарихини тадқиқ этишнинг яхлит тизимини ишлаб чиқишни такозо этади. Савол туғилади: бу тизим кандай илмий мезонларга таянмоғи зарур? Бизнингча, бу саволнинг жавобини миллий адабий-эстетик тафаккурни жаҳоний микёсга кутарган хазрат Алишер Навоий қарашларидан излаш туғрироқ булар эди.

Хазрат Навоий шеърятга, умуман бадий матнга кандай талабларни куйган? “Бадойиъ ул-бидоя” девони дебчасида: *“Неча навъ ишким, мунда маръий булбтурур, узга давовинда курулмайдурур”* [1,20], дея девон тартиб беришнинг мезонларини билдиради. Гарчи улуҒ мутафаккир бу уринда девон тартиб беришга, бадий ижодга куйилган талаблар хусусида суз юритган булса-да, бу талабларни асарнинг матн тарихини урганиш жараёнига хам татбик этиш мумкин. Бу талаблар куйидагилардир:

1. Девондаги уттиз икки харфга битилган Ғазаллардан хар бирини хамд ёки наът билан бошлаш. Бу ҳақда хазрат Навоий мана бундай ёзади: *“...уар уарф Ғазалиётининг аввал битилган Ғазал била узга Ғазаллар орасида услуб хайсиятидин тафовут риоят килмайдурурлар. Муҷаррардурким, уар амрда бир лауза фак субхонаху ва таоло хамдидин ё Расул алайхиссалом наътидин, ё бу икки ишга далолат килурдек бир амрдин Ғофил булмамолик авлодурур. Агар лаузае бу саодат муяссар булмаса, уар мутаайин амр ифтитоида худ не навъ таҒофул ва такосул раво курулғай”* [1,21]. Лирик девонларни матн тарихи нуктаи назаридан тахлил этганда, ана шу хусусиятни назарда тутмоқ зарур. Айникса, хазрат Алишер Навоий лирик девонларидаги хамд ва наът мазмунидаги шеърларда муаллиф дунёкарашининг, ижод концепциясининг асослари ифодаланган. Матн тарихи шоир ёки адибнинг бадий матн яратишдаги режаси ва максади билан боҒлик экани эътиборга олинса, буюқ мутафаккирнинг ижод концепцияси акс этган хамд ва наът Ғазаллар мохиятини урганишнинг ахамияти янада якколроқ намоён булади.

2. Девонда укувчи онги ва калбига маърифат нурларини улашувчи Ғазаллар ва хар бир Ғазалда мавъиза руҳидаги байтлар булмоҒи шарт экани. УлуҒ шоир таърифича: *“Девон топилмаҒай ва Ғазал булҒайким, анда маърифатомиз бир Ғазал топилмаҒай ва Ғазал булҒайким, анда мавъизатангиз бир байт булмаҒай. МундоҒ девон битилса, худ асру беууда заумат ва зойиъ машаккат торти^он булҒай”* [1,21]. Бу уринда хам Алишер Навоий ижод тутумининг асосларидан бири ифодаланган. Маълум буладики, лирик шеърлар жамланган девон, ундаги хар бир асар тахлил этилар экан, матн замирига сингдирилган маърифий мазмун ва мавъиза мохиятига диққат қаратилмоҒи зарур. Муаллифнинг концептуал қарашлари билан боҒлик булгани боис бу хусусият матн тарихини урганишда, айникса, алоҳида ахамиятга эга эканини таъкидлаш керак.

3. Матлаъ - бошланма байти кай маънода булса, ҒНЗон то мактаъгача мазмун, шакл ва услуб жихатдан шунга мутаносиб булмоҒи зарур. Бошкача айтганда, шеър бир мазмун билан бошланиб, узга мазмунда якунланмаслиги, хазрат Навоий таъбири билан айтганда: “...уар мазмунда матлаъе вокиъ булса, аксар аНдоҒ дуҒиҒсiiiКii.М, мактаъҒача сурат хайсиятидин мувофик ва маъни жонибидин мутобик тушгай” [1,22]. Яъни муаллиф матнни кай сурат (жанр) ва кандай маъни билан бошлаган булса, шакл ва мазмундаги ана шу мутаносибликни охиригача саклаши зарур. Матннинг шаклланиши ва такомилли - матн тарихи билан боҒлик бу мезон муаллиф режаси ва максадининг амалга ошув жараёнини ифода этиши нуктаи назаридан муҳимдир. Матншунос Нафас Шодмонов фикрича: “...матн муаллифи харакатдаги вокеликни акс эттирар экан, муайян ижодий рухий жараённи кечиради. Шу жараёнда у объектив ва субъектив сабаблар таъсирида матннинг айрим уринларига муносабатини узгартириши ва уларга турли хажмлардаги тузатишлар киритиши мумкин. Бундай тузатиш ва узгартиришлар матннинг материали, яратилиши, шаклланиши, курилиши ва хоказо тарихий, бадий, Ғоявий хамда услубий жихатларини урганишга асос булади. Шунинг учун хам матн тарихини ёритишда унинг бадий асар сифатида *шаклланиш жараёни* кандай кечганини унда мавжуд фактик материалларни тахлил килиш оркалигина амалга ошириш мумкин” [8,22].

Хазрат Навоийнинг юкорида тахлил этилган талаб ва мезонлари бадий асар матни хамда унинг ижод этилиш жараёнини акс эттириши жихатидан кимматлидир. Бинобарин, матн тарихини урганиш ва бахолашда ушбу мезонларга таяниш кутилган натижаларни беради. УлуҒ шоирнинг узи ана шу талабларга тулик риоя этгани, айникса, уларнинг адабий-эстетик ва илмий кимматини оширади. Лекин, афсуски, Алишер Навоий асарларининг нашр этилиши ва урганилишида бу хусусиятларга етарли даражада диққат каратилган эмас.

“Бадойиъ ул-бидоя”да, дастлабки расмий девонида ана шу талабларни куйган хазрат Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний” куллиётида бу мезонни мукаммал даражага етказгани маълум. Хар бир харфга ёзилган Ғазаллар сонидан тортиб уларда хамд ва наът мазмунининг акс этишигача мукаммал уйҒунлик саклангани бунинг исботидир. Насрий ва илмий асарларида хам бу талабларга риоя этилгани, айникса, ахамиятлидир. Бирок улар матнининг нашрлари,

таджик килиниши борасида, афсуски, нуксонлар хаддан зиёд куп. Бунинг сабабини улуғ мутафаккир асарларининг матн тарихи мукамал урганилиб, ундан сунг нашрга кул урилмагани билан изохлаш мумкин. Бир мисол келтирамиз: “Насойим ул-мухаббат” асари дастлаб буюк шоирнинг йигирма жилдлик “Мукамал асарлар туплами” 17-жилдида нашр этилган. Асарнинг наът кисмида мана бу сузлар битилган: *“Ва чун ул Хазрат с.а.в. анбиёнинг хотими эрди ва андин сунгра нубувват эшиги ооҒҒисиди. Хар ойинаким, нокислар такмилиша умматнинг комилу олимларини номвар эттики, бурун<ЛП анбиё урниша ухда ци^айлар ва йулдин чикҒонларҒа йул кургузгайларки умматим уламози Бани Исроил олимлари кабидур”* [2.14].

Ушбу иктибосдаги хадиси шариф матни таржимасида жиддий хатолик утган. Чунки мазкур хадис мазмуни аслида *“умматим уламози Бани Исроил найҒамбарлари кабидур”* булиши керак. Айни нашрда хадислар матни араб тилида аслиятда ҳам келтирилган. Жумладан, мазкур хадис матни нашр сунгида d“LH ^jj ^Ы1£ ^U1 Д^е. тарзида туҒри берилган. Лекин аслиятни наинки оддий укувчи, хатто аксар мутахассислар ҳам укиш, тушуниш имкониятига эга эмаслиги эътиборга олинса, табдилда нечоҒлик жиддий хатоликка йул куйилгани ойдинлашади. Афсуски, бу хатолик Алишер Навоийнинг ун жилдлик “Тула асарлар туплами”да ҳам такрорланган. Фарқи, ушбу нашрда хадиснинг аслият матни ёнма-ён берилгани холда таржимаси яна: *“умматим уламози Бани Исроил олимлари кабидур”* тарзида Ғалат берилган [2,92]. “Насойим ул-мухаббат”нинг Хомидхон Исломий томонидан тайёрланиб, 2011 йили чоп этилган илмий-танкидий матни [3] ва 2017 йили босмадан чиккан табдил нашрларида [4] бу хатолик тузатилган.

Матншунослик муаммоларига доир таджикотларда, матбуотдаги чиқишларда аксар хазрат Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоиру адибларимиз асарлари нашрларидаги матний хатоликлар, уларни бартараф этиш зарурати билан боҒлик карашлар етакчилик килади. Бу ҳақда ҳам фикр билдирилиши зарур. Лекин матншуносликнинг назарий асосларини чуқуррок ишлаб чиқиш, адабий манбага шу асосда баҳо бериш, таҳлил ва таджик килишга утилмас экан, гап гаплигича қолиб кетиши эҳтимоли сақланиб қолаверади. Матншуносликнинг узак муаммоси - матн тарихи ҳақида гап кетар экан, уни урганишда мумтоз адабиётимизга поэтик мазмун, поэтик шакл ва хатто вазн жихатдан ҳам манба вазифасини утаган

Куръони карим ва хадиси шарифларни урганишда синовдан утган илмий услублардан фойдаланиш кутилган амалий натижаларни бериши мумкин, деб хисоблаймиз.

Хуръони каримни тафсир килган муфассирлар оятларнинг нозил булиш сабаблари, ушбу илохий манбанинг китобат тарихи хусусида кимматли маълумотларни берганлар. Худди шунингдек, мухаддислар, пайҒамбар алайхиссалом хадисларининг ворид булиши сабабларини, санадини, яъни ким томонидан ривоят килинганини аниқлаб, хадиси шарифларнинг ишончлилиқ даражасини шунга кура белгилаганлар. Жумладан, хадис китобларининг накл килиниш тартиби хақидаги мана бу карашлар айнан матн тарихи билан боҒлик эканини таъкидлаш керак: “Мусулмонларда ёзма маълумотлар, хусусан, хадис китоблар бир канча шартлар асосида накл килинади. Мухаддис уз туплами асосида хадис айтар экан, уни одамларга укиб беради. Хохловчилар айтилган хадисларни ёзиб олишади. Агар жамоат катта булса, хар жой-хар жойда мухаддиснинг сузини етказиб беришга маълум кишилар тайинланади. Улар хар бир сузни баланд овозда узокдагиларга етказиб беришади. Кейин хадисларни тулик ёзиб олган шогирд уз ёзганларини устоз куригидан утказади: устоз шогирднинг ёзганини, шогирд устознинг китобини кулга олади ва хар бир хадисни сузма-суз текшириб, охирги харфигача асл нусхага солиштириб чикилади. Китоб кучиришдаги бу услуб “мукобала” деб аталади” [5,29].

“Мукобала” услуби бадий асарлар матни тарихини урганишда хам илмий аниқликка, матн мукамаллигига эришишга асос була олиши жихатидан кимматлидир. Хадис матнларининг тарихи билан боҒлик бу услуб адабий ёдгорликлар матнини китобат килиш ва илмий текшириш жараёнига хам кулланиши зарур. ТуҒри, бугун компьютер технологиялари замони. Адабий манбаларни купчиликнинг иштирокида овоз чиқариб укиш ва киёслашга эҳтиёж йукдир. Лекин харфма-харф, сузма-суз киёслаш маъносида бу услубни бадий матнлар тадқиқи жараёнига хам куллаш зарур ва агар ана шундай услубда ёндашилса, адабий асарлар матнини урганишда эътиборга молик илмий натижаларга эришиш мумкин булар эди.

Табиийки, хар кандай матнда котиб томонидан, дастхат нусха булса, муаллиф кучирганда хам баъзи хатоликларга йул куйилиши мумкин. “Мукобала” услубида матндаги хатолик кандай бартараф этилгани хақидаги маълумотлар мусулмон олимларининг Расулulloх (с.а.в.) хадисларига муносабати канчалик жиддий,

хадислар матнининг хатосиз булиши учун нечоҒлик эътиборли булганини курсатади: “Агар бирор хато булса, унинг тепасига чизиб, сахиҒа чеккасида туҒрилаб ёзилади. Иш шундай дакик буладики, агар бирор суз ёки бирор катор нотуҒри кучирилган булса ёки такрор булса, уни учириб юбориш мумкин булмаган. Бордию учириб юборилгудек булса, бу нусха ишончни йукотган ва уни хеч ким кабул килмаган. Чунки устига чизилса, тагида нима борлиги куриниб туради. Ва укувчи у ерни укимай, утиб кетади. Аммо учиб кетган булса, эхтимол, керакли нарса учирилгандир, деган шубха пайдо булади ва шунинг учун у кабул килинмайди. Агар нусха шайхнинг куригидан утиб, унинг туҒрилигидан устознинг кунгли тулса, шогирдга узининг ушбу китобидан дарс беришга ва ундан бошкаларга кучиртиришга уз дастхати билан ёзма равишда ижозат беради” [5,29].

Мукобала услубини матншунослик, хусусан матн тарихини урганиш жараёнига татбик этишда куйидаги мухим хусусиятларга алохида эътибор каратиш зарур: 1) олимларнинг ягона максади - хатолардан холи мукамал матнни тиклаш ниятида бир жамоа булиб ишлаши; 2) матннинг харфма-харф, сузма-суз киёсланиши; 3) хатоликларни бартараф этиш учун мутахассислар узлари тайёрлаган матнларни бир-бири билан узаро алмашлаб текшириши; 4) матндаги хатоликларни учириб юбормасдан устига чизиб ишлаш; 5) тикланган ишончли матн буйича дарс утишга аввал устоз олим томонидан ёзма ижозат берилган булса, бугунги кунда матншунослар жамияти томонидан махсус рухсатнома берилишини йулга куйиш. Айнан шу тарзда улуҒ мақсад йулида якдиллик курсатувчи илмий жамоани шакллантира олинмагани, хазрат Алишер Навоий ва бошка мумтоз шоиру адибларимиз асарларини нашр эттириш ишига тизимли асосда илмий ёндашилмагани сабабли бугун - XXI асрнинг йигирма йили утаётган булса ҳам, хануз матндаги хатоликлар бартараф этилганича йук.

Мукобала услуби коҒОЗдаги матн устида ишлаш тажрибасига асосланган. Бугун компьютер технологиялари замонида бундай услубни куллашга эхтиёж борми, у кутилган самарани берадими, деган саволлар туҒилиши табиий. Аслида, компьютер технологиялари билан ишлаганда ҳам бу услубни муваффақиятли куллаш имкони катта эканини таъкидлаш керак. Жумладан, компьютерда матндаги хатонинг устига чизиб ёки хато сузни маълум бир рангга буяб ишлаш оркали айнан коҒОЗда ишлаган каби

натижага эришиш мумкин.

Матн тарихини урганишнинг мукобала услуби яна шу хусусияти билан кимматлики, у жамоа булиб ишлашни - бир канча олимларнинг илмий хамкорликда фаолият юритишини тақозо этади. Табиийки, илмий хамкорлик, айниқса, матншунослик ишларида юқори самара беради. Бу услубда ишланса, иззатталабликка, уз номини курсатишга интилишдек номаъқул амалиятга куп-да эҳтиёж қолмайди. Улкан илмий мақсадни - Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоиру адибларимиз асарларини матний ҳатоларсиз, юқори савияда нашрга тайёрлаш масаласи асосий планга чиқади. Шу жихатдан ҳам, мукобала услубини матн тарихини урганиш, мумтоз адабиёт намуналарининг мукамал ва ишончли нашрларини амалга ошириш жараёнига татбиқ этиш матншуносликнинг устувор вазифаларидандир.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Дебоча. Бадойиъ ул-бидоя. /Мукамал асарлар туплами. Йигирма томлик. Биринчи том. - Тошкент: Фан, 1987. - Б. 20 (Ушбу манбадан олинган кейинги иқтибослар матни турбурчак қавсда Б ҳарфи билан келтирилади).

2. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат./Мукамал асарлар туплами. Йигирма томлик. Ун еттинчи том. - Тошкент: Фан, 2001. - Б. 14

3. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат (Илмий-танқидий матн). Нашрга тайёрловчи, сузбоши ва курсаткичлар муаллифи Х.Исломиёв. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2011.

4. Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат мин шамоёмил футувват (Нашрга тайёрловчи, сузбоши ва курсаткичлар муаллифи Ҳдмидхон Исломиёв). - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2017.

5. Бухорий Сахиҳул-Бухорий. /Олтин силсила. I жилд. - Тошкент: HILOL-NASHR, 2012 -Б.29.

6. Жабборов Н. Узбек матншунослиги ва унда *матн танциди*, *илмий-танқидий матн* истилоҳларининг урни / Узбек мумтоз адабиётини урганишнинг назарий ва манбавий асослари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент: Mumtoz soDz, 2019. 9-бет.

7. Лихачев Д.С. При участие А.А.Алексеева и А.Г.Боброва. Текстология на материале русской литературы X - XVII веков. -Санкт- Петербург, Изд-во “Алетейя”, 2001. - С. 33

8. Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-икбол” - адабий манба. -Тошкент: Muharrir, 2009. -Б. 22.